

2017 йил 2-май

Коржиков Евгений Александрович



Коржиков Евгений Александрович

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти бошқаруви раиснинг ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ва импортни мақбуллаштириш бўйича биринчи ўринбосари

Қабул кунлари: жума, 10.00 - 12.00

Телефон рақами: [+998781407406](tel:+998781407406)

Электрон почта манзили: info@uks.uz

Таржимаи ҳоли

Туғилган сана ва жой: 1968 йил, Красноярск шаҳри

Маълумот: олий, Томск политехника институти (1994).

Меҳнат фаолияти

2023й. - ҳв.	“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари
2020 - 2023 йй.	«Ўзкимёсаноат» АЖ бошқаруви раисининг ўринбосари;
2019 й. - 2020 йй.	«Ўзкимёсаноат» АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари;
2017-2019 йй.	«Navoiyazot» АЖ бошқарув раисининг биринчи ўринбосари - аммиак ва карбамид, поливинилхлорид, азот кислотаси ишлаб чиқариши қурилиши бўйича директори;
2016-2017 йй.	«Navoiyazot» АЖ ишлаб чиқариш бўйича директори в.б., ишлаб чиқариш, инвестициялар ва ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш бўйича директор ўринбосари, аммиак ва карбамид, поливинилхлорид, азот кислотаси ишлаб чиқариши қурилиши бўйича директори;
2015-2016 йй.	«Navoiyazot» акциядорлик жамияти мувофиқлаштириш ва маҳаллийлаштириш бўлими бошлиғи;
2011-2015 йй.	«Navoiyazot» АЖ инвестициялар бўйича бошқарма, кейинчалик департамент бошлиғи;
2009-2011 йй.	«Navoiyazot» АЖ техника бўлими бошлиғи в.б., «Аммиак ва карбамид мажмуаси қурилиши» лойиҳасини татбиқ этиш бўйича бюро бошлиғи, каустик сода, хлор ва хлор маҳсулотлари цехи бошлиғи;
2000-2009 йй.	«Навоийазот» АЖ III навбатдаги аммиак ишлаб чиқаришнинг бошлиғи
1994-2000 йй.	«Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси 60-цех бошлиғи в.б, цех бошлиғи, 1-цех смена бошлиғи 4-цех уста-технологи, бошлиқ ўринбосари
1986-1994 йй.	«Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси таъмирлаш-механика цехи тоқари, 2-цех аппаратчи шогирди, конверсия аппаратчиси, смена устаси

Вазифалари

- ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, янгиларини барпо этишга қаратилган тармоқ корхоналарининг барқарор ва мутаносиб ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- кимё корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи ва ишлаб чиқариш харажатлар даражасига таъсир қилувчи омилларни чуқур таҳлил этиш, замонавий энергия ва ресурсларни тежовчи технологиялар ва ускуналарни ҳамда энг янги электрон-ахборот бошқариш тизимларни жалб этиш ҳисобига маҳсулот таннархини ва ишлаб чиқариш харажатларини тубдан қисқартириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;
- тармоқ корхоналарининг хавфсиз фаолиятини, уларда юқори қўшимча қиймати ва талабга эга сифатли кимё маҳсулотларни ишлар чиқарилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, маҳаллий маъданий ва хом ашё ресурсларни чуқур қайта ишлаш, тизимда замонавий юқори технологик жиҳоз-ускуналарни ва инновацион технологияларни жорий этишга мўлжалланган ягона техник сиёсатни олиб бориш
- саноат хавфсизлиги, меҳнатни ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича мақсадли чора-тадбирларни ва ишлаб чиқариш дастурларни бажариш;
- замонавий рақобатдош инновацион технологиялар, маҳсулотларнинг янги турларини

яратишга, энергия ва ресурслар сарфини ҳамда ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга қаратилган илмий, шу жумладан, тармоқлараро изланишларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш.

source:

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/company/management/deputy-production>